Кириб келаётган Янги йилингиз муборак бўлсин!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgz-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat
https://adolat24.uz/

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA № 52 (1416) 2022-YIL 30-DEKABR, JUMA

Пленум






# ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

## Пойтахтдаги «Тараққиёт стратегияси» марказида «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг IX Пленуми бўлиб ўтди

Пленумда «Адолат» социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, 2023 йилда амалга ошириши режалаштирилган устувор йўналишларни белгилаб олиш ва 2022 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасининг ижроси ҳамда партия Сиёсий Кенгаши ва Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси таркибига қисман ўзгартириш киритишга оид масалалар кўриб чиқилди.

Пленумда партия Сиёсий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия кенгашлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партия экспертлари, фаоллар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Танқидий ва таҳлилий руҳда ўтган тадбирда партия Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов маъруза қилди.

«Адолат» социал-демократик партиясининг 2022 йилдаги фаолияти «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Президент фармони, «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури, давлат раҳбарининг 2021 йил 2 февралда сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувида белгиланган устувор вазифалар, партиянинг «Тараққиёт стратегияси»дан келиб чиқадиган 2022 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ҳамда «Адолат – ҳар бир инсон учун» Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга йўналтирилди.

Бундан ташқари, йил давомида партия аъзолари сафини кенгайтириш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, аъзолик бадаллари тушумини тизимли йўлга қўйиш ва тўлиқ таъминлаш, партия фаолларининг сиёсий билимлари ва фаоллигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги қайд этилди.

Қолаверса, «Адолат» СДП 2022 йилда партиянинг дастурий вазифаларини амалга ошириш мақсадида партия электорати ва аҳолининг кенг қатлами билан юзма-юз мулоқотлар ташкил қилди. Учрашувларда аҳолини қийнаб келаётган, жамият ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш бўйича барча даражадаги депутатлик корпусларининг ҳамкорлиги тизимли йўлга қўйилди. Бунда айниқса «Фракция – марказ – вилоят – туман» концепцияси ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Шу билан бирга, маърузада қайд этилганидек, ҳисобот даврида партия аъзолари сони 41 102 нафарга кўпайиб, умумий аъзолар сони 558 308 нафарни, бошланғич партия ташкилотлари сони эса 372 тага ўсиб, 6 750 тани ташкил қилди.

Қайд этиш жоизки, 2022 йил 9 ой давомида партия томонидан 6910 та турли мавзулардаги тадбирлар ўтказилиб, жараёнларда жами 253 720 нафар иштирокчи қатнашди ва айни мақсаддаги 2840 дан ортиқ тадбирлар марказий ва ҳудудий ОАВларда ёритилди.

Шу жумладан, «Адолат» СДП томонидан жорий йилнинг 24 июнидан 1 августига қадар Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб 3810 та тадбирлар ўтказилди ва уларда 165 573 нафардан ортиқ фуқаролар иштирок этди.

2

ADOLAT

## Байрам табриги

**Ўтиб бораётган ушбу ҳаяжонли, файзли дамларда жорий 2022 йил якунланиб, жонажон Ўзбекистонимизга Янги – 2023 йил кириб келмоқда.**

*Шу муносабат билан, Сиз, азизларни, тинчликсевар ва меҳнаткаш халқимизни, партиямизнинг кўп минг сонли аъзоларини кириб келаётган Янги йил билан самимий муборакбод этамиз.*

*Инсон босиб ўтган йўлига назар ташлаганида амалга ошган режалар, рўёбини топган ниятлар, ҳақиқатга айланган мақсадларни кўрса, ўзгача масрурликни ҳис қилади. Албатта, кечаги кунга назар солиш кишини тегишли сабоқ чиқаришга ундайди ва янги режалар тузишга кўмаклашади.*

*Шу ўринда, якунланаётган йилда эришган ютуқларимиз, бажарган ишларимиз ва ўз ўрнида ҳамон режалигича қолган мақсадларимиз кўз олдимизда гавдаланади. Мамлакатимиз ҳаёти миқёсида оладиган бўлсак, 2022 йилда барча соҳаларда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига катта ўзгаришларни амалга оширдик. Инсон қадрини юксалтиришга бўлган саъй-ҳаракатлар йил давомида кенг қулоч ёзди. Аҳолининг розилиги, фуқароларимизнинг фаровон турмушини таъминлашга доир интилишларимиз бесамар кетмади.*

*Таъкидлаш жоизки, яқинлашиб келаётган 2023 йил бизни янада улкан марраларга ундамоқда. Бошланажак йил ҳам тарих зарварақларига залворли ўзгаришлар билан муҳрланишига ишонамиз. Гўзал ва бетакрор юртимиз тинч-осойишта, олижаноб, бағрикенг халқимиз ҳамиша омон бўлсин!*

*Сиз азизларга Янги йил остонасида мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, бардавом ютуқ ва муваффақиятлар тилаймиз. «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили», дея халқимизнинг орзу-умидларига ҳамоҳанг ном олган Янги йилда барча эзгу ниятларингиз амалга ошсин!*

*2023 йилнинг қадами қутлуғ келсин!*
*Янги йил барчамизга муборак бўлсин!*

**Адолат” СДП**
**Сиёсий Кенгаши**

Муносабат

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ

## баркамол ёшлар, малакали кадрлар зиммасида

**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,**
**“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси кириб келаётган йилда мамлакатимиз тараққиёти, жамият равнақи, юртдошларимизнинг фаровон ҳаёти учун хизмат қиладиган дастуриламал ҳужжат бўлди, десак янглишмаймиз. Бу ҳужжатдан кўзланган энг олий мақсад эса инсон қадрини улуғлашдир.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишида **“Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат” деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур”,** дея алоҳида таъкидлаб ўтгани бежизга эмас.

Дарҳақиқат, жонажон диёримизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг асосий ҳуқуқий мезони Конституциямиздир. Конституциявий ислоҳотларнинг, бу борадаги муҳокамаларнинг қизғин кечаётгани, фуқароларимизнинг айни жараёнларда фаол иштирок этаётганининг боиси ҳам шунда. Ушбу мавзуга тўхталиш асносида Президентимиз **“Муҳокамалар қизғин давом этмоқда. Бу жараёнда депутатларимиз, сиёсий партияларимиз масъул ва фаол бўлиб, ҳар бир таклифга жиддий ёндашаётганини кўриб турибмиз. Бунинг учун уларга раҳмат айтаман”,** дея алоҳида таъкидлагани сиёсий партиялар меҳнатининг эътирофидир. Албатта, бундай баҳо бизга катта масъулият ҳам юклайди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Президентимиз томонидан кириб келаётган янги, 2023 йилга юртимизда **“ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ”,** деб ном берилиши халқимизнинг руҳини янада кўтариб юборди. Зеро, инсон қадри улуғланган жамиятда тараққиёт бўлади. Таълим сифатини ошириш эса – Янги Ўзбекистон тараққиётининг ягона тўғри йўли эканлиги Мурожаатномада алоҳида қайд этиб ўтилди.

Гап таълим сифати ҳақида борганида давлатимиз раҳбари маърифатпарвар жадид боболаримизнинг “Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади” деган пурмаъно ҳикмати депутат ва сенаторлар, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши кераклигини таъкидлади. Эътироф этиш керак, сўнгги йилларда республикамизда олийгоҳлар 2,5 баробар кўпайиб, 198 тага етди, қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди. Албатта, келгуси йилларда бу кўрсаткични янада ошириш кўзда тутилган. Эндиги вазифа эса таълим сифатини юксалтиришдир.

4

# ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ



1

Шунингдек, ҳисобот даврида партия фаоллари томонидан жами 4495 маротаба сиёсий ўқувлар ташкил этилиб, 87 756 нафар иштирокчи қамраб олинди. Ташкил этилган сиёсий ўқувлар оммавий ахборот воситалари орқали 812 маротаба ёритилди.

Ўтган давр мобайнида тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларни кўнгилли равишда қон топширишга чақириш орқали бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамиятда меҳр-оқибат ғояларини тарғиб қилишга қаратилган беғараз инсонпарварлик акцияси доимий равишда ташкил этиб келинаётгани алоҳида қайд этилди.

Хусусан, жорий йилнинг 1 июнь куни «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни» муносабати билан «Бор меҳримиз сенга, болажон!» шиори остида беғараз донорлик акцияси ўтказилганлигини, мазкур донорлик акциясида республиканинг барча ҳудудларидан 3345 нафар кўнгиллилар қатнашиб, 1170,75 литр донорлик қони йиғилганлиги алоҳида таҳсинга сазовор. Айни кунларда ҳам мазкур хайрли тадбирда иштирок этишни хоҳлаган кўнгиллилардан мурожаатлар келиши давом этаётганлиги партия раҳбари томонидан айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, бугун Юртбошимиз бошчилигида Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш сари дадил қадамлар қўйилаётган даврда, инсон қадрини улуғлаш, аввало, аёлга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, мўътабар оналарни эъзозлаш, опа-сингилларни қадрлаш ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, партия томонидан хотин-қизлар билан мақсадли ва манзилли ишлаш амалиёти, уларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг соғлиғини сақлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозим, партия Марказий аппарати, ҳудудий кенгашлар ҳамда депутатларининг саъй-ҳаракатлари туфайли «Бир ойда – бир иш ўрни» лойиҳаси доирасида жами 1776 нафар хотин-қизлар ва ёшлар иш билан таъминланди.

Шунингдек, ҳисобот даврида «Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи» лойиҳаси доирасида хотин-қизларни турли тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоялаш мақсадида «Аёлларни зўравонликлардан ҳимоялаймиз» мавзуларида жами 840 марта учрашувлар ташкил этилиб, уларда 65 300 нафар хотин-қизлар қамраб олинди.



Суҳбатлар давомида хотин-қизларга «Ҳимоя ордери»ни бериш тартиблари тушунтирилди ва 183 нафар аёлларга «Ҳимоя ордери» олиб берилди.

Партия томонидан ёшларга эътибор ва амалий ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Жумладан, «Депутат ва ёшлар» лойиҳаси асосида 378 та давра суҳбати ташкил қилиниб, жами 18 560 нафар ёшлар қамраб олинди ва ушбу жараёнларга оид 365 та тадбир ОАВда ёритилди.

Шу билан биргаликда, ҳисобот даврида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида фаолият юритаётган партия депутатлари томонидан 3000 га яқин депутатлик сўровлари чиқарилиб, 2135 нафар мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилган.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги «Адолат» СДП депутатлик гуруҳлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари кўриб чиқиш учун доимий комиссияларга 1067 та, сессияларга эса 537 та масалалар киритилган. Натижада сессия ва доимий комиссияга киритилган масалалардан келиб чиқиб, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан масъул мансабдор шахсларга аниқ топшириқлар берилди ҳамда Кенгашнинг тегишли комиссияси томонидан қарорлар ижроси назоратга олинди.

Сессияларга масалалар киритиш бўйича партиянинг халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси (72 та), Навоий (153 та), Бухоро (81 та), Самарқанд (63 та), Жиззах (52 та) вилоятларидаги депутатлик гуруҳлари фаоллик кўрсатганлиги алоҳида қайд этилди.

Ҳисобот даврида матбуот хизмати томонидан партиянинг дастурий мақсадлари оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этилиб, Сайловолди дастурини амалга ошириш юзасидан 2022 йилга мўлжалланган медиа режада белгиланган вазифалар ижросига оид ўтказилган тадбирлар юзасидан кенг жамоатчилик, партия электоратининг хабардорлиги таъминланди.

Ўтган тўққиз ой мобайнида ҳудудий кенгаш матбуот котиблари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга чиқариш, уларнинг малакасини ошириш, замонавий технологиялардан фойдаланиш мақсадида 7 марта онлайн семинар, 3 марта конференция ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг байрам табриклари, хорижга сафарлари, вилоятларга чиқишлари ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида қабул қилинган қонунлар, қарор ва фармонлар юзасидан партия Сиёсий Кенгаши ва Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ҳамда экспертларининг «Adolat» газетасида 126 та, партия расмий сайтида эса 498 та муносабатлари эълон қилинди.

Партия ва депутатлик корпуси томонидан ОАВ, ижтимоий тармоқлар ва ахборот сайтларида 1642 дан ортиқ мақолалар эълон қилинди. Уларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ижтимоий тармоқларда муҳокамаларга сабаб бўлаётган мавзуларга партиянинг муносабати ва нуқтаи назари билдирилди.

Республика телеканалларида 174 марта, ҳудудий телеканалларда 482 марта партия фаолларининг интервьюлари берилди. Партия веб-сайтида жами 2586 та партия фаолияти бўйича маълумот ва хабарлар ёритилди ҳамда ҳар бир ҳудудий кенгаш ижтимоий тармоқлардаги ўзининг расмий саҳифаларида кундалик маълумотлар янгилаб борилди.

Шунингдек, Пленумда 2022 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасининг 9 ойлик ижросидаги бир қанча ютуқ ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилиниб, 2023 йилда амалга ошириши режалаштирилган устувор йўналишлар ва аҳамият қаратилиши керак бўлган қатор масалалар қайд этилди.

Бундан ташқари кун тартибидан ўрин олган партия Сиёсий Кенгаши таркибига қисман ўзгартириш киритишга оид масала ҳам кўриб чиқилди. "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзолигига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири – Тошқулов Акбар Жўрабаевич ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси – Валиев Муҳаммаджон Шералиевич сайланди.

Пленум сўнггида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, сўзга чиққанлар томонидан билдирилган фикр ва таклифлар асосида партиянинг келгуси фаолиятига доир чора-тадбирлар белгиланди.



**“Адолат” СДП Матбуот хизмати**

## *Сўз Пленум иштирокчиларига*

**Умиджон СУЛАЙМОНОВ,**
**партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари:**



*– Бугунги Пленумда партиямизнинг ўтган даврдаги фаолиятини ҳар жиҳатдан сарҳисоб қилиб, амалга оширилган ишларга атрофлича эътибор қаратдик. Албатта, жараён таҳлилий ва ўз ўрнида танқидий руҳда кечмоқда. Бунда биз эришилган натижалар билан бир қаторда йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам холисона баҳо бериб, келгуси фаолиятимизда уларни бартараф этиш ва бошлаган ишларимизнинг самарадорлигини янада оширишга доир қатор устувор вазифаларни белгилаб олдик.*

*Маълумки, партиямиз ўзининг дастурий мақсадларида Ватанимиз тараққиёти йўлида ҳуқуқий демократик, «ижтимоий давлат» ва «барча учун фаровонлик таъминланган» адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг социал-демократик моделини таклиф этади. Шу боис, биз ўтган даврдаги фаолиятимизда инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамиятимизда тенглик, адолатлилик, бирдамлик тамойилларини мустаҳкамлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматлари сифатини юксалтиришга доир қатор муҳим ташаббусларимиз билан бир қатор таклиф ва лойиҳаларимизни амалиётга татбиқ этиб келмоқдамиз.*

*Айтиш жоизки, электорат ишончини оқлаш биз учун энг муҳим вазифа саналади. Сайловлар арафасида берган ваъдаларимизнинг изчил асосга эга эканлиги ўтган даврдаги фаолиятимизда ўз тасдиғини топди. Келгусида ҳам дастурий мақсадларимизда ўз олдимизга белгилаб олган вазифаларни янада самарадорлик билан амалга оширишни режа қилганмиз.*

**Улуғбек РАСУЛОВ,**
**партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бошқарма бошлиғи:**



*– Партиямиз Сайловолди дастурида халқ фаровонлиги, давлатнинг рақобатдошлигини таъминловчи асосий омил сифатида илм-фанни, хусусан, таълимни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратган. Шу боис, биз ўтган даврда узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш орқали юқори малакали кадрларни тайёрлашга эътибор қаратиб, бир қанча лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиб келмоқдамиз. Жумладан, биз бугун сарҳисоб қилинаётган фаолиятимиз давомида таълим тизимимизнинг бугунги ҳолати, хусусан, мактабларимизда яратилган шарт-шароитлар, уларнинг қишки мавсумга тайёргарлик даражаси, синфларда ўқитилаётган дарсликларнинг замон талабларига ҳамоҳанглиги, уларда учраб турган хато ва камчиликлар юзасидан партиямиз фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, шунингдек, соҳа мутахассислари иштирокида ўрганиш ишлари олиб бордик. Ўрганишларимиз натижасига кўра, бир қанча таклиф ва кўрсатмалар ишлаб чиқиб, тегишли ташкилотларга юбордик. Шунингдек, партиямиз томонидан айни масалада бир қатор лойиҳалар тайёрланиб, амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бугунги Пленумда бошлаган ишларимизнинг янада самарадорлигини таъминлаш мақсадида келгусидаги устувор вазифаларимизни белгилаб олдик.*

**Рўйиддин РАУПОВ,**
**“Адолат” СДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:**



*– Бугун ўтган даврдаги фаолиятимиз, эришилган ютуқ ва камчиликлар сарҳисоб қилинди. Айтиш жоизки, партиянинг Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан жорий йилнинг 9 ой давомида бир қанча эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган йилга нисбатан вилоятда партиямизга хайрихоҳ фуқароларимиз сони сезиларли даражада ортиб, ҳудуддаги партия аъзолари сони 49 639 нафарга етди. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари сони ўтган йилдагидан 45 тага кўпайди.*

*Бундан ташқари, ўтган даврда ҳар ҳафтанинг сешанба куни «Сиёсий ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш – демократик жамият пойдевори» лойиҳаси доирасида партия фаоллари томонидан жами 363 маротаба ўқувлар ташкил этилиб, мазкур тадбирларга 6 минг нафардан ортиқ иштирокчилар қамраб олинди ва жараёнлар 45 маротаба ОАВларда ёритилди.*

*Қолаверса, жорий йил давомида партиянинг ишчи гуруҳ аъзолари томонидан 447 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 980 та хонадон ва 210 та хўжалик юритувчи субъектлар ҳолати ўрганилди. Ушбу учрашувлар давомида кенгашимизга аҳоли томонидан 150 та мурожаат келиб тушиб, улар юзасидан 55 та масъул ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди. Натижада 35 та масала ўзининг ижобий ечимини топди. 24 дан ортиқ масала мутасадди ташкилотлар вакилларини жалб этиш орқали жойида ҳал этилди. 48 га яқин мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳатлар бериш орқали ҳал этилди.*

*Партия вилоят кенгаши томонидан 42 маротаба турли мавзудаги тадбирлар ўтказилиб, тадбирларда жами 4230 нафар фуқаролар қатнашди ҳамда мазкур жараёнлар 28 маротаба ОАВларда ёритилди.*

*Шунингдек, партиянинг «Ҳар бир адолатчи – маҳаллада тарбиячи» лойиҳаси доирасида ҳам вилоятимиздаги туман ва шаҳар маҳаллаларида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, инсон қадр-қимматини юксалтириш, жиноятчилик, гиёҳвандлик ва одам савдоси каби иллатларга қарши курашиш, ёшларга оид давлат дастури ва сиёсатини амалга ошириш, жамиятда ватанпарварликни тарғиб этиш орқали партиямизнинг дастурий мақсадларини амалга ошириб келмоқдамиз.*

*Албатта, партиямиз томонидан ўтган даврда кўплаб йўналишларда сезиларли ишлар қилинди. Лекин ҳали олдимизда амалга оширилиши керак бўлган қатор лойиҳалар, ечимини кутиб турган долзарб муаммолар бисёр. Демак, келгусида ҳам ҳар бир масалага жиддий масъулият билан ёндашиб, зиммамизга юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришимиз керак.*

Ватан келажаги ёшлар қўлида

# КОНСТИТУЦИЯ БИЛИМДОНЛАРИ КЎРИК-ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ




Баркамол авлод мамлакатимиз келажагининг ҳал қилувчи кучидир. Шу сабабли юртимизда ёшларни ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва жамиятда адолат мезонларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айтиш жоизки, ёшларнинг ҳуқуқий савиясини ўстиришда, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини билиш ҳамда уларга амал қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боисдан ҳам «Адолат» СДП томонидан «Ватан келажаги ёшлар қўлида» лойиҳаси доирасидаги анъанавий «Конституция билимдони» кўрик-танлови ўтган даврда эришилган бой тажриба ва бугунги кундаги ижобий самараси билан мамлакатимиз ёшларининг катта қизиқиши ва эътирофига сабаб бўлмоқда.

Анъанага кўра, жорий йилнинг 22 декабрь куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилоятидаги сўлим «Дўрмон» ижод уйида мазкур кўрик-танловнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 30 йиллигига бағишланган республика босқичи бўлиб ўтди.

Ёш авлодни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва барча қонунларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимлари, онги ва маданиятини янада юксалтиришни мақсад қилган мазкур тадбирда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, «Ёш адолатчилар» қаноти ҳамда «Ёшлар парламенти» аъзолари, фаоллар, ОАВ вакиллари ҳамда кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этишди.

Жараёнда, таъкидланганидек, сўнгги йилларда партия аъзолари сафида ёшларнинг иштироки сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида «Адолат» СДПнинг халқимиз, хусусан, эртамиз эгалари орасида танилиб бораётганлигининг далолатидир.

Агар рақамларга эътибор қаратсак, бугунги кунда партия аъзоларининг умумий сони 542 минг нафардан ортиқни ташкил этиб, шундан 250 минг нафарини, яъни 46 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этмоқда. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида ташкил этилган «Ёшлар парламенти» аъзоларининг 45 нафари партиямиздан сайланган ёшлардан иборат.

Албатта, бу каби ижобий кўрсаткичларни партия томонидан ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда, босқичма-босқич, комплекс чора-тадбирларга асосланган ҳолда тизимли амалга оширилаётгани билан боғлаш мумкин.

Шунингдек, партия ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини, фаоллигини кучайтириш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, тиббий, экологик маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшиш, «Адолат» СДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ўнга яқин лойиҳаларни доимий тарзда амалга ошириб келмоқда.

Тадбирда сўз олганлар «Конституция билимдони» кўрик-танловининг республика босқичи ҳам юқорида айтилган эзгу мақсадларга йўналтирилганлигини таъкидлашди.

Қайд этилганидек, танловнинг якуний босқичида мамлакатимизнинг барча туман, шаҳар ва ҳудудий босқичларида иштирок этган 1200 нафарга яқин ёшлар адолатлилик, очиқлик, ошкоралик, рақобат мезонлари асосида сараланиб, энг муносиблар республика босқичига етиб келдилар.

Мазкур босқичда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг масъуллари, «Ёшлар парламенти» аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши ҳамда Марказий аппарати фаолларидан иборат ҳакамлар ҳайъати ҳар бир иштирокчининг белгиланган шартлар бўйича чиқишларини талабчанлик билан, одил ва холисона баҳолаб бордилар.

Иштирокчилар танлов низомига кўра таништирув, савол-жавоб ва эркин мавзу деб номланган учта шарт бўйича ўз чиқишларида мамлакатимиз Конституциясини қанчалик билиши ва айни даврдаги қонунларимиздан хабардорлиги, қолаверса, саҳна ва нотиқлик маданияти борасидаги маҳоратини намоён этишга астойдил ҳаракат қилдилар.

Тадбир якунида

**Дилафрузхон Анваржонова** (Фарғона вилоятидан) **биринчи ўринга**,

**Шаҳзода Ўролова** (Сурхондарё вилоятидан) **иккинчи ўринга,**

**Ширин Шарипова** (Қорақалпоғистон Республикасидан) **учинчи ўринга лойиқ кўрилди.**

Уларга партия Сиёсий Кенгашининг дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди. Шунингдек, кўрик-танловнинг бошқа иштирокчилари ҳам партиянинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**«Адолат» СДП Матбуот хизмати**

**Гулнисо САИДОВА,**
**партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бошқарма бошлиғи:**

*– Албатта, мамлакатнинг қудратини белгилайдиган омиллар жуда кўп. Бироқ уларнинг энг асосийларидан бири, шубҳасиз, шу юртда вояга етаётган юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлоддир.*

*Зеро, юртнинг келажаги бугун камолга етаётган ёшлар қўлида. Шу боис мамлакатимизда ёш авлодни ҳам жисмонан соғлом, ҳам интеллектуал жиҳатдан етук шахс бўлиб вояга етишини таъминлашга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.*

*Айтиш жоизки, партиямиз томонидан «Ватан келажаги ёшлар қўлида» лойиҳаси доирасида ташкил этилган «Конституция билимдони» кўрик-танлови ҳам ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юртда амалга оширилаётган ислоҳотларга бефарқ бўлмаган, Ватан келажаги учун дахлдорликка тайёр, мақсадга интилувчан, серғайрат, комил шахслар сифатида тарбиялаш, шунингдек, партия сафидаги энг фаол, ташаббускор, атрофдагиларга намуна кўрсатаётган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни муносиб рағбатлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.*

*Ҳеч иккиланмай айта оламизки, танловнинг республика бочқичида иштирок этган ўғил-қизларимиз халқимизнинг олтин фонди, Учинчи Ренессанс бунёдкорларидир. Уларнинг шижоат ва интилишини кўриб, ёниб турган кўзларига боқиб “мен, албатта, ғолиб бўламан” деган иштиёқларини ҳар биримиз ҳис қилиб турдик.*

**Ширин ШАРИПОВА,**
**танлов ғолиби:**

*– Конституциямизнинг 30 йиллиги муносабати билан «Адолат» социал-демократик партияси томонидан ўтказилган кўрик-танлов мен учун унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Сабаби, кўрик-танловда ҳуқуқий-сиёсий билими, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган тенгдошларимиз иштирок этишди. Шу боис танловнинг барча босқичида жараёнлар қизғин баҳс-мунозаралар билан кечди. Тан олишим керак, республика босқичигача етиб келишим осон бўлмади. Тинимсиз ўз устимда ишлаб, ҳуқуқий-сиёсий билимларимни ошириб бордим. Қолаверса, «Адолат» партиясининг фаолияти билан яқиндан танишдим. Бу сиёсий фаоллигимни юксалтириш билан бир қаторда, сиёсий партиялар ҳақида тафаккуримнинг кенгайишига ҳам туртки бўлди. Қувонарлиси, саъй-ҳаракатларим ўзининг ижобий самарасини берди, мен республика босқичида фахрли 3-ўринни қўлга киритдим!*

*Фурсатдан фойдаланиб, ушбу фахрли ўринни қўлга киритишимга сабабчи бўлган барча устозларимга ва, албатта, танлов ташкилотчиларига ўз миннатдорлигимни билдираман.*

Партия акцияси

# БОЛАЛАРГА МУНОСИБ ТУҲФА

«Адолат» СДП томонидан ҳар йили анъанавий тарзда «Бор меҳримиз сенга, болажон!» беғараз донорлик акцияси, шунингдек, «Хаста дилларга меҳр бер» акцияси доирасида бемор болажонларга қувонч улашиш мақсадида «Янги йил кўчма арчаси» ва бошқа байрам тадбирлари ўтказиб келинмоқда.




Ана шундай эзгу мақсадларни кўзлаган тадбирларнинг навбатдагиси жорий йилнинг 28 декабрь куни «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ташаббуси билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бўлиб ўтди.

Партия томонидан ёш авлодни соғлом ва ҳар жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказиш мақсадида амалга оширилаётган хайрли лойиҳаларнинг узвий давоми сифатида ўтказилган «Янги йил кўчма арчаси» байрам тадбирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ва партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ходимлари, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали шифокорлари, партия фаоллари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Айтиш жоизки, тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, бемор болаларнинг ҳолидан хабар олиш ва уларга байрамона кайфият улашиш, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини тарғиб қилишни мақсад қилган ушбу тадбир яқинлашиб келаётган Янги – 2023 йил байрам тадбирлари олдидан ташкил этилгани меҳрталаб болажонлар учун байрамга муносиб туҳфа бўлди.

Тадбирга янги йил шодиёналарининг қаҳрамонлари бўлмиш Қорбобо, Қорқиз ташриф буюриб, бемор болажонларнинг хурсандчилигига шерик бўлишди.

Тадбир якунида бемор болажонларга партиянинг эсдалик совғалари туҳфа этилди ва байрам тадбирлари ташкил этилишида яқиндан ҳамкорлик қилаётган бир қатор соҳа вакилларига миннатдорлик билдирилди.

**“Адолат” СДП Матбуот хизмати**

6

Янги йил ўйлари



**Жаббор РАЗЗОҚОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

# Ватанни севиш бахти

**Дунё ўзгармоқда, олам ўзгача бир қиёфага кирмоқда. Одамлар ҳам ўз макони, Ватани бағрида гоҳ ташвишли, гоҳ қувончли дамларни бошидан кечирмоқда. Замон шиддатли тарзда ўзгариб, бу жараён инсонлар тақдирига, орзу-умидига, ҳаёт тарзига таъсир кўрсатмоқда.**

**Ўзбекистон ана шу катта ҳаётнинг, дунёнинг бир бўлаги сифатида ўз мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Якунланаётган йил Ватанимиз учун моҳиятан энг самарали, эсда қоладиган, дунё ҳамжамиятида алоҳида тилга олинадиган воқеаларга бой йил бўлди, дея баралла айта оламиз.**

**Самарқандда дунёнинг етакчи давлатлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган оламшумул учрашувлар ва қабул қилинган муҳим ҳужжатлар, халқаро анжуманлар, Туркия, Озарбайжон ва Тожикистон президентларининг Хивага ташрифлари... Буларнинг ҳамма-ҳаммаси тарихий воқеалардир. Шу вақтгача бундай нуфузли анжуманлар Ўзбекистонда бўлмаган. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Президентимизнинг обрў-эътибори дунё миқёсида ўсиб бораётганидан далолатдир.**

**Дунё Ўзбекистонни янги қиёфада танимоқда, тан олмоқда, у билан ҳисоблашишни ўз бурчи деб билмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ташқи ва ички сиёсатда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун қилинаётганлигининг ёрқин ифодасидир.**

**Юртбошимиз аввал бошдан ўз фаолиятида инсонлар манфаатини энг устувор вазифа сифатида кўриб келмоқда. Шу Ватанни севиш, ватанпарвар бўлиш инсоний бурчимиз, бахтимиз. Кейинги йилларда ана шу юксак қадрият шаклланмоқда.**

**Янги йилни давлатимиз раҳбари бежиз "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" дея номламади. Бу йил ҳам ўз моҳияти ва номланишига яраша янада самарали, шукуҳли воқеаларга бой, меҳр-оқибат йилига айланади, деб ўйлайман.**

**Барча юртдошларимизга 2023 йилда озод ва обод Ватанимизда фарзандлар ва набиралар оғушида фаровон яшаш, хонадонларда газета-журналлар, китоблар мутолаа қилиб умргузаронлик қилиш насиб этсин.**

**Янги йилингиз муборак бўлсин!**



**Зафар ОТАХОНОВ,**
**Урганч давлат университети жисмоний маданият факультети 2-босқич талабаси**

# Мақсад аниқ бўлса, рўёбга чиқади

**Мен 18 ёшдаман. Урганч давлат университети жисмоний маданият факультетининг 2-босқичида таҳсил оламан. Спортнинг эркин кураш тури билан шуғулланаман. Кириб келаётган Янги йил арафасида ўтган 2022 йилни сарҳисоб қилиб, бу йил мен учун омадли йил бўлди, десам адашмаган бўламан.**

**Машғулот вақтларимни янада узайтирар эканман, бир нарсани тушундим: инсон ўз иқтидорига ишонса ва олға интилса, албатта, ниятига етади.**

**Тарих зарварақларига ёзилаётган мазкур йилнинг 28-30-апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Қозоғистонда ўтказилган Осиё чемпионатида эса менга 3-ўрин насиб этди. Баҳрайнда ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам 3-ўринни қўлга киритдим ва катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида фахрли 1-ўрин соҳиби бўлдим. Қозонда ўтказилган халқаро турнирда иштирок этдим ва фахрли биринчи ўринни эгаллаб, ёруғ юз билан она юртимга қайтдим.**

**Мен Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан биз, ёш спортчиларга катта эътибор қаратилаётганлиги, университетимизда яратилган шароитлар билан бирга устоз ва мураббийларимизнинг ўз касбини севиши, фидоий ва жонкуярлиги туфайли шундай ютуқларга эришдим, деб ўйлайман. Бунинг учун устозларимга ўз миннатдорлигимни билдираман.**

**Кириб келаётган Янги йилда муваффақиятларимиз бундан ҳам улкан бўлишини, Ўзбекистон байроғини жаҳон ареналарида янада юксакларга кўтаришни ва менга ишонч билдираётган юртдошларим ҳамда устозларим орзуларини рўёбга чиқаришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Мақсад аниқ бўлса, албатта, рўёбга чиқишига ишонаман.**

**Кириб келаётган Янги — 2023 йил барча тенгдошларимиз, юртдошларимиз учун омадли йил бўлсин!**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ

## баркамол ёшлар, малакали кадрлар зиммасида

1 Бунда олий таълим муассасалари жамоалари зиммасига катта масъулият юкланади. Яъни, олийгоҳ ректорлари, профессор ва ўқитувчилар бу жараёнларда фаол бўлишлари, янги, илғор методикаларни жорий қилишлари керак. Негаки эртанги ёруғ келажагимиз бугун етишиб чиқаётган замонавий кадрларимизга ҳар жиҳатдан боғлиқ.

Бундан ташқари, Президентимиз келгуси йилда олийгоҳ талабаларига имтиёзли таълим кредитлари учун 1,7 триллион сўм, илм-фан ва инновацияларга эса 1,8 триллион сўм ажратилиши, олимларнинг иш ҳақи 4,5 баробар оширилганини билдирди. Айни пайтда, бу эътиборга жавобан энди олимларимиз сув ва энергияни тежаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби бугунги кундаги долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари кераклигини ҳам уқтириб ўтди.

Албатта, эътибор ва рағбат бор жойда ижобий ўзгариш бўлади. Шундай экан, олий таълим тизимида давлатимиз раҳбари тилга олган шарт-шароитлар яратилгач, профессор ва ўқитувчиларнинг ҳам, бўлажак кадрларнинг ҳам салоҳияти юксалади. Янгидан-янги кашфиётлар, илмий изланишлар бўй кўрсатади. Олийгоҳларимиз дунёнинг нуфузли таълим муассасалари қаторидан ўрин олади. Қўшни давлатлардан ва хорижий мамлакатлардан келиб, бизнинг институт ва университетларда таҳсил олаётган талабалар сафи кенгаяди. Энг муҳими, Янги Ўзбекистон ёшлари буюк аждодларга муносиб авлод бўлиб етишади.

*Умуман олганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси “Адолат” социал-демократик партияси ғояларига ҳамоҳанглиги билан бизни янада кўпроқ мамнун этди. Шу билан бир қаторда, биз “адолатчи”лар Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида олдимизда катта ғайрат-шижоат билан забт этишимиз лозим бўлган юксак довонлар турганлигига, бунинг учун астойдил меҳнат қилишимиз шартлигига яна бир бор иқрор бўлдик. Зеро, давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаб ўтганидек,* ***“тараққиётга – фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади”.***

Янги йил ўйлари



**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги**

# Ўзбекистон илмий юксалишлар юртига айланади

Ҳаёт давом этмокда. Яна бир йилга якун ясаб, янги йилга қадам қўймоқдамиз. Бундай пайтда, табиийки, ҳар бир инсон кўнглидан ўтаётган йилда нималар қилдиму янги йилда яна қандай ишларни амалга ошираман, деган фикр ўтади. Мамлакат, жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларга, режаларга эътибор қаратади. Шу маънода республикамиз Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасини давлатимизда амалга оширилган ишлар хулосаси ҳамда янги режалар концепцияси дейиш мумкин. Унда, жумладан, мамлакатимизда иқтисодий жабҳадаги ютуқлар жамланиб, *“Кенг кўламли ва самаралиислоҳотларимиз натижасида ялпи маҳсулот ҳажми 80 миллиард доллардан ошди. Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиялар кириб келди, экспортимиз эса 19 миллиард долларга етди”,* дейилса, инвестиция соҳасидаги истиқболдаги режалар *“Келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга туширамиз ва яна 40 та янги лойиҳа бошланади... 2023 йилда экспорт ҳажми тарихимизда илк бор 23 миллиард доллардан ортади”,* деб белгиланган.

Ушбу рақамлар ва маълумотлар мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида юксалишлар юзага келаётганини, бунинг учун эса тубдан янгиланишлар рўй бераётганини кўрсатади. Маълумки, иқтисодиётни юксалтириш учун саноатни ривожлантириш ҳаётий зарурат ҳисобланади. Саноатни ривожлантириш эса унга кўпроқ инвестиция жалб қилиш, инновацион технологияларни ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ кечади. Инвестиция сиёсати эса хорижий сармоялар билан бирга янги инновацион технологияларнинг ишлаб чиқаришга кўпроқ кириб келишини таъминлайди. Булардан кузатилган мақсад — юртимизда ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ишчи кучларни ишга солиш, фойдаланилмай ётган имкониятларга эътибор қаратиш, аҳоли ўртасида ишсизликка барҳам бериш, ишчи-хизматчиларнинг даромадларини ошириш, халқимизнинг фаровонлигини таъминлашдан иборат.

Иқтисодиёт, инвестиция, инновиция бугунги ҳаётимиз учун муҳим ва долзарб бўлган ва бир-бирига узвий боғланган жараёнлар ҳисобланади. Буларнинг ҳаммасини ривожлантириш, тараққий эттириш учун илм-фан асос саналади. Илм-фан, таълим юксалмаса, бу соҳаларда катта ютуқларга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилинди.

Инсонга эътибор, таълимга эътибор мамлакатимиз ҳаётидаги бир йиллик ёки маълум муддатли концепция эмас, бу давлатимиз сиёсатининг, жамиятимиз фаолиятининг доимий устувор асосига айланган. Эътибор беринг, 2019 йилнинг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожлантириш йили”, 2020 йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, 2022 йилнинг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб номланиши ана шу устуворликнинг яққол ифодасидир. Яна бир масала. Мамлакатимизда 2022 йилда илм-фан ва инновациялар учун 1,5 триллион сўм сарфланди. Натижада бу соҳада нано ва биотехнологиялар, рақамли геология каби 18 та янги илмий йўналиш ташкил этилди. 2023 йилда илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм маблағ ажаратилиши белгиланган.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, республикамизда илм-фанни ривожлантириш билан боғлиқ жараён изчиллик билан давом этаётганини кўришимиз мумкин. Бундай ишлар келгусида ҳам давом этиши аниқ. Ёш авлодга таълим бериш сифатини ошириш, ёшлар орасидан етук илмий кадрлар тарбиялаб етиштириш, илм-фан соҳасидаги янгиликлар, ихтиролар, ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, корхоналарни янги технологиялар билан таъминлаш — барча-барчаси мамлакатимиз илмий технологик тараққиёт йўлидан бораётганини кўрсатади. Шу маънода мен янги йил юртимизда илмий янгиланишлар, юксалишлар йили бўлишига ишонаман.




# ТАЪЛИМ — барча соҳаларнинг асосий пойдевори

**Зуҳра ИБРАГИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,**
**«Адолат» СДП фракцияси раҳбари**

Бугун юртимиз ҳар томонлама ўсиш ва ривожланиш йўлидан дадил одимламоқда. Албатта, бу ўзгаришлар давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган одилона сиёсат натижасидир.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида юртдошларимизни ўйлантириб келаётган муаммоларни ҳамда давлатимиз янада тараққий этишида муҳим бўлган ташаббусларни илгари сурди. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Мурожаатномада кўтарилган вазифалар халқимиз томонидан билдирилган таклифлар асосида шакллантирилгани ҳам давлатнинг асосий тамойили “инсон – жамият – давлат” эканлиги билан аҳамиятлидир. Билдирилган таклифларга эътибор қаратсак, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт йўналишларида эканлигини кўришимиз мумкин. Демак, бугун барча фуқароларимиз юрт равнақи йўлида бефарқ эмас.

Халқимиздан келиб тушган таклифлар асосида давлатимиз раҳбари томонидан келаётган 2023 йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланиши ҳам бежиз эмас. Бу инсон қадрини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг узвий давоми бўлади. Шу билан бир қаторда таълим соҳасини чуқур ислоҳ қилиш орқали ўсиб келаётган ёшларни билимли, теран креатив фикрлайдиган, Ватанни севиб қадрлайдиган этиб тарбиялаш барчамизнинг олдимизда турган асосий вазифамиздир.

Маълумки, таълим барча соҳаларнинг пойдеворини яратиб беради. Шу боис таълимда ўқитувчи ва мураббийлар фаолиятини такомиллаштириш, уларга барча имкониятларни яратиб беришимиз кераклиги Мурожаатномада алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бу – таълимни қўллаб-қувватлаш. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш ҳам адолатли ташаббус бўлди. Чунки олдимизга қўйган катта режаларни бажаришимиз учун аввало жамият таянчини тарбияловчи устозларнинг қадр-қимматини жойига қўйишимиз шарт.

Инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар ва одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш зарурлиги давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Келгуси йилдан барча фуқароларимиз бирдек малакали ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиши учун имкониятлар янада кенгаяди. Бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган турини қонун билан белгилаб, ажратилаётган маблағларнинг ҳар бир беморга етиб боришига хизмат қиладиган тиббий суғуртага ўтиш Тошкент шаҳрида бошланиб, босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилинади.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришни қуйи бўғиндан бошлаш мақсадида маҳаллада “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” янги умуммиллий ҳаракати бошланади. Бу каби лойиҳалар фуқароларимиз саломатлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Шунингдек, *аҳолига сифатли тиббий хизматни кўпайтириш мақсадида кейинги йил қўшимча 140 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалар, 520 та олис ва чекка маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилиш ҳам юртдошларимиз учун янада қулай имкониятлар яратади.*

*Шу билан бирга, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик катта дастур қабул қилиниши, шу асосида барча туғруқ комплексларини тўлиқ таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш, ўринлар сонини 35 фоизга кўпайтириш ҳам “инсон қадри учун” тамойилининг яна бир амалдаги яққол исботидир.*

Мурожаатномада бугунги кунда аҳоли томонидан кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги камчиликлар, одил судлов сифатини оширадиган янги тизим яратиш зарурияти хусусида ҳам фикр билдирилди. Албатта, *адолатнинг қарор топишида суд ҳокимиятининг ўрни катта. Суд ҳокимияти мустақил, судлар эса адолат қўрғонлари бўлиши керак.* Мурожаатномада *илгари сурилган бу вазифалар “Адолат” социал-демократик партиясининг асосий мақсад ва вазифаларидан бири эканлигидан келиб чиқиб, барча партия вакилларини янада шижоат ва ғайрат билан меҳнат қилишга чорлаймиз.*

Ҳақиқатан, Мурожаатнома халқимизнинг орзу-истакларини акс эттиргани, келгуси йилда қилиниши лозим бўлган устувор мақсадларни ҳамда келажагимиз учун муҳим пойдевор бўладиган вазифалар ва ташаббусларни ўзида мужассам қилганлиги билан барчамизни қувонтирди.

# ЗИММАМИЗГА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАМОҚДА

Президентимиз Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида мамлакатимиз миллий ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўяётганини ҳамда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

**Нурлибай ҚАИПБЕРГЕНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси**




Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини бугун қорақалпоғистонлик юртдошларимиз ҳаётида ҳам кўришимиз мумкин.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбарининг «Биз учун «Қорақалпоғистон ютуғи – бутун Ўзбекистон ютуғи, Қорақалпоғистон ташвиши – бутун Ўзбекистон ташвиши» деган сўзлари бутун қорақалпоқ халқига бўлган ўзгача меҳр ва эътиборининг яна бир бор яққол исботи бўлди.

Президентимиз «Жамият – ислоҳотлар ташаббускори» тамойили асосида барча масалалар бўйича халқимиз билан бамаслаҳат иш тутилишини таъкидлаб, «инсон қадрини улуғлаш» руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган ҳамда фуқароларимиз билдирган барча таклиф ва истакларни ўзида мужассам этган Конституция лойиҳасининг умумхалқ референдумига олиб чиқилишини билдирди. Бу ҳам ўз ўрнида ҳар бир ватандошимизнинг бугунги ислоҳотларга бўлган дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга ҳамда юрт тараққиётнинг янги истиқболларини таъминлашга қаратилган.

Президентимизнинг ташаббуси билан 2023 йил юртимизда «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон қилиниб, давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатлари устувор вазифа этиб белгиланди. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, таълимни қўллаб-қувватлаш, ўқитувчиларнинг мақомини, қадр-қимматини таъминлаш ва ҳимоя қилиш партиямизнинг энг асосий мақсадларидан бири бўлган, эндиликда ушбу тамойиллар қонун билан тасдиқланиб Конституциямизда алоҳида белгилаб қўйилади. Мурожаатномада бунга катта эътибор қаратилганлиги биз учун қувончли бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишида мамлакатимизда маҳалла институтини янада ривожлантириш, улар фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор қаратди.

Мурожаатномада суд-ҳуқуқ тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, бир қанча муаммолар ва ечимини кутаётган масалаларни кўтарди.

Мурожаатномада, энг аввало, одамларнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришлари, тергов сифати пастлиги, судларда одамларнинг оворагарчилиги, суд қарорлари ижро этилмай қолаётганлигини танқид қилиниб, тез кунларда ҳуқуқ-тартибот идораларини янгича ишлашга ўргатадиган ҳамда одил судловни таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган янги тизим ишга туширилиши таъкидланди.

Бу эса «Адолат – қонун устуворлигида» ғоясини илгари суриб, уни ҳаётга татбиқ этиш йўлида ҳаракат қилаётган партиямиз депутатлик корпуси ва фаоллари олдига ҳам юксак масъулият юклайди.

# НАЖОТ МАКТАБДА, ТАЪЛИМДА, БИЛИМДА

**Муҳаббат ШАРАПОВА,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати**



Президентимизнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасини ҳаяжон билан тингладим.

Президентимиз юртимиз тараққиётининг барча соҳаларини чуқур таҳлил қилиб, олдимизда турган улуғ вазифаларни белгилаб берди.

Мурожааатномада, айниқса, таълим йўналишига кўп эътибор қаратилгани мени жуда қувонтирди.

Хусусан, таълим, мактаб, муаллим сўзларининг ҳар бирига қайта-қайта урғу бериб таъкидланиши биз, устозларга катта куч-ғайрат бағишлади. Нажот таълим орқали, муаллим шаъни, нуфузини кўтариш орқали амалга оширилиши мумкинлиги яна бир бор уқтирилди. Бу йўналишда келгуси йил 70 та янги мактаблар қурилиши, 460 таси кенгайтирилиши, хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб қурилиши бошланади. Бу каби йирик ишларнинг амалга оширилиши биз, устозлар зиммасига улкан масъулият юклайди, албатта.

Мактаб муқаддас даргоҳ, дейилиши бежиз эмас. Бу ерда келажак авлод фақат билим эмас, тарбия ҳам олади. Айнан мактаб таълими ва тарбиясини олган ўқувчи келажакда шахс бўлиб етишади. Бунинг учун чуқур билим, замонавий дунёқараш, теран фикр, ижодий тасаввур ва ташкилотчилик қобилиятига эга устозлар керак.

Мурожаатномада мактаб битирувчиси ҳеч бўлмаганда иккита тил ва битта касб маҳоратини эгаллаши лозимлиги қайд этиб ўтилди. Бу нафақат ўқитувчиларнинг, ота-оналарнинг ҳам орзуси эди.

***Мурожаатомани тинглай туриб, олтин фондимиз бўлган ёшларни ҳар томонлама етук, комил, илғор технологияларни мукаммал биладиган қилиб тарбиялаш биз, устозлар олдидаги асосий вазифа, мажбурият эканлигини ўйладим, Янги Ўзбекистонда ижтимоий давлатни барпо этиш йўлида янада садоқат билан меҳнат қилишимиз лозимлигини юрак-юракдан ҳис этдим.***

2023 йил – “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилиниши ҳаммамизни юксак мақсадларга чорлайди. Барча юртдошларимизнинг ушбу йилда чинакамига қатъият билан бел боғлаб, фидоийлик билан ишлашларига муваффақият тилайман.

# ИНСОНГА ЭЪТИБОР — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Аҳолимиз биздан мактаб, боғча ва шифохоналарни кўпайтириш, таълим ва тиббиёт сифатини оширишни, маҳаллада йўл, сув, электр, транспорт муаммоларини ҳал қилишни, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликка янги имкониятлар яратишни, адолатни таъминлаш, оворагарчилик, бюрократия ва коррупцияни йўқ қилишни кутмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан



**Тоҳиржон ПОЛВОНОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиали директори,**
**«Адолат» СДП Хоразм вилоят кенгаши раиси**

Президентимизнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси тарихий аҳамиятга эга бўлди. Унда илгари сурилган барча илғор ғоялар тизимли ишлаб чиқилган бўлиб, фуқароларнинг яшаш шароитини, соғлом ҳаётини яхшилаш орқали мамлакатимиз тараққиётини ривожлантириш, ҳар бир инсон бахтли ва саодатли, ҳаётидан рози бўлиб яшаши учун хизмат қилади.

Мурожаатномада эришилган ютуқлар, жумладан, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг сони ортиб бораётгани, нафақаларнинг, кам таъминланган оилаларга ажратилган даромадларнинг босқичма-босқич оширилгани, экспорт рақамларининг ўсиб бораётгани, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, аҳолига сифатли таълим ва тиббий хизмат кўрсатишга эришилаётгани ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг барчаси мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг самараси эканлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугунги таҳликали замонда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тизимларига татбиқ этилган илғор ғоялар натижасида қатор соҳаларда меҳнаткаш халқимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишга замин яратилди.

Жумладан, тиббиётга қаратилган эътибор, унда амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда инсон саломатлиги энг муҳим масалага айланиб бораётганини кўрсатмоқда.

Сўзимиз исботини биргина онкология соҳасида кузатадиган бўлсак, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиалига Чехия давлатида ишлаб чиқилган «Терабалт» нур аппаратининг олиб келиб ўрнатилишди. Замон талаблари асосида қуриб битказилган, замонавий тиббиёт моддий-техника базаси билан таъминланган, 50 ўринга мўлжалланган «Жарроҳлик мажмуаси» ҳамда «Патомарфология бўлимида янги иммунагистахимик текширув методи» бўлими халқимизга фойдаланиш учун топширилди. Натижада фуқароларимизга қулайлик яратилиб, уларни қийнаб келаётган сарсонгарчиликларга барҳам берилди.

Марказга маҳаллий бюджетдан 700 миллион сўм маблағ ажратилиб, беморлар учун республикадаги етакчи мутахассисларнинг онлайн консультацияларини ташкил қилиш мақсадида телемедицина жиҳозлари ва замонавий асбоб-ускуналар харид қилинди.

Шунингдек, айрим юқори технологияли жарроҳлик амалиётларини, яъни аёллар репродуктив системаси онкологик касалликлари ҳамда буйрак ва ичаклардаги ўсма касалликларида лапароскопик амалиётларни бажариш йўлга қўйилди. Йигирмадан зиёд ходимимизни чет давлатларга бориб, тиббий малакасини ошириб келишига имконият яратилди.

Республика ихтисослашган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали ҳамда Россия Федерациясининг Н.Н.Петров номидаги онкология маркази ўртасида меморандум имзоланиши натижасида ушбу марказнинг етакчи мутахассислари юртимизга ташриф буюриб, мураккаб жарроҳлик операцияларини ўтказдилар.

Жорий йилнинг апрель, май ойларида филиалимизнинг 20 нафар мутахассиси ушбу марказда бўлиб, ўз малакаларини ошириб келишди. Бунинг учун вилоят бюджетидан 500 миллион сўм маблағ ажратилди.

2021 йилнинг февраль ойида эса 1 миллион 400 минг АҚШ доллари қийматидаги Чехия давлатида ишлаб чиқарилган юқори технологик “КОБАЛЬТ-80» номли энг сўнгги русумдаги “Гамманур» терапия аппарати ўрнатилиб, беморларда нур терапия муолажалари амалга оширилмоқда.

2023 йилда давлат-хусусий шериклик асосида Хоразм вилояти аҳолисига замонавий нур бўлими ва жиҳозларининг ишга туширилиши фуқаролар учун кўплаб қулайликларни яратиб беради.

Амалга оширилган ва режадаги бу каби қатор ислоҳотлар мамлакатимизда инсон қадр-қиммати юксалиб бораётганлигининг далолатидир.

Янги йил ўйлари



**Тамара АРИПОВА,**
**Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги**

# *Тараққиётнинг мангулик чашмаси*

Илм — инсон онгу шуури, ақл-заковати, тафакури ҳосиласи. Инсон ақл-заковатининг эса чек-чегараси йўқ. Унинг тафаккури доимо оқиб турадиган чашмага ўхшайди. У ҳамиша турфа хил янгиликлар, кашфиётлар, ихтиролар яратишда давом этаверади. Булар ҳаётда улкан ўзгаришлар, юксалишлар юзага келишига ҳисса қўшади, тараққиёт, тамаддун йўлини очиб беради. Шунинг учун илм-фан барча даврларда тараққиётнинг мангулик чашмаси ҳисобланади.

Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Илм-фан тараққиётида фундаменталь тадқиқотлар муҳим ўрин тутади. Айнан улар орқали фаннинг янги соҳалари, янгиликлари юз очади, илмий назариялар шакллантирилади. Шу тариқа янги технологияларга, янги ишлаб чиқариш соҳаларига йўл очилади. Бу борада Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари, олимлар ҳам фаннинг турли соҳалари бўйича кўп йиллар давомида фундаменталь тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Бу осон эмас. Тасаввур қилинг, пахтанинг ёки буғдойнинг янги навини яратиш учун 10-15 йиллик илмий меҳнат талаб қилинади. Замонавий автоматик қурилмани ихтиро қилишга 15-20 йиллик ақлий меҳнат сарфланади. Кимё, биология соҳасидаги янгиликни яратишга чорак аср етмайди. Математика ёки физикада битта теоремани исботлаш учун бир неча авлод олимлари илмий изланишлар олиб борадилар. Соғлиқни сақлаш тизимида битта дори яратиш ёки инсоннинг иммун тизимини мустаҳкамлаш учун тадқиқотчилар, олимлар қанча машаққатли тажрибаларни ўтказадилар. Шу маънода академикларимиз кўп йиллик илмий изланишлари натижасида қанча янги ихтиролар, кашфиётлар яратганлар. Фундаменталь асарлар битганлар. Уларнинг аксарияти мамлакатимиз ва халқаро миқёсда эътироф этилган.

Албатта, илм-фан соҳасида илмий тадқиқотлар, тажрибалар, илмий янгиликлар, ихтиролар яратиш жараёни узлуксиз кечиши керак. Катта авлод, академиклар, олимлар илмий ишларини ёшлар давом эттиришлари лозим. Бу ҳаёт талаби. Шунинг учун мамлакатимизда таълим тизимига, хусусан, олий таълим тизимига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу тизимни янада яхшилаш, таълим сифатини ошириш, иқтидорли, илмий салоҳиятли ёшларни янада кўпайтириш ҳаётий заруратга айланмоқда. Шу сабабли мамлакатимиз Президенти бу йилги Мурожаатномада ***“Сўнгги йилларда олийгоҳларимиз 2,5 баробар кўпайиб, 198 тага етди, уларнинг қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди. Биз бу рақамларни янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Лекин таълим сифати нима бўлади, деган савол ҳаммамизни ўйлантириши керак”***, дея муҳим масалани ўртага ташлади ва бу масалани ҳал қилиш йўлларини кўрсатиб берди.

Эндиликда мактаблардан тортиб, олий ўқув юртларида, умуман, таълим тизимида сифат масаласи асосий мезон қилиб олинади. Бу мезон нафақат 2023 йилги ўқув жараёнида, балки таълим тизимининг барча даврлари учун асос қилиб белгиланади. Эндиги иш ана шу мезонга амал қилишимизда.

Маълумки, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам муаммолар оз эмас. Йиллар давомида тўпланган бу муаммоларни ҳал қилиш ҳам осон кечаётгани йўқ. Аввало, халқимизнинг соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ниҳоятда муҳим саналади. Шу сабабли давлатимиз томонидан кейинги йилда “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” янги умуммиллий ҳаракатини маҳаллалардан бошлаш режалаштирилгани қувонарли ҳолдир. Айни пайтда, Мурожаатномада соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошириладиган кўплаб ишлар кўрсатиб берилган. Яъни, ***“Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш ишлари давом эттирилади. Келгуси икки йилда ҳар бир оилавий поликлиника ва шифокор пунктига энг керакли ускуна ва жиҳозлар етказиб берилади, экспресс лабораториялар тўлиқ янгиланади. Янги йилда қўшимча 148 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникаси, 520 та олис ва чекка маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилади. Шу билан бирга оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик катта дастур амалга оширилади”***, дейилади.

Буларнинг ҳаммаси халқимизга ва ҳар бир инсонга эътиборнинг чинакам ифодаси, деб биламан. Янги йилда ана шу эзгу ишларнинг амалга ошишига ишонаман.

Халқимизни Янги йил байрами билан қутлайман!

# ОНА ТИЛИ – МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Мурожаатномани тинглаган ҳар бир юртдошимиз қалбида эртанги кунга ишонч уйғонгани, ўз ишига, вазифасига масъулият билан ёндашиш, Ватани ва миллатига садоқат ҳисси пайдо бўлганига шубҳа йўқ. Айниқса, Президентимизнинг «Миллий ўзлигимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади», деган сўзлари нафақат Ватан, миллат, балки она тилимизга бўлган садоқатни янада мустаҳкамлайди.

Президентимиз илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлишини айтиб, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим, ундан кейинги таълим тизимлари, маънавият ва маърифат соҳалари, илм-фаннинг устувор йўналишлари бўйича вазифаларни аниқ белгилаб бериб, «Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир!» деб алоҳида таъкидлади. 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, деб ном берилганига алоҳида тўхталиб, Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланганлигини, шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қилинаётгани ва бу йўлдан асло тўхталмаслигини ишонч билан



**Наибахон МАМАДАЛИЕВА,**
**филология фанлари доктори**

айтди. Бунда, биринчи навбатда, эътибор Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратилиши, нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда эканлигини, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилишини қайд этди.

Шунингдек, мамлакатимизда юқори салоҳиятга эга, жаҳон миқёсида эътироф этилган олимлар ўз мактабларини яратишлари, шогирдлар тарбиялашлари лозим. Таассуфки, бугунги кунга келиб қанчадан-қанча илмий мактаблар эътиборсизлик оқибатида йўқолиб бормоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, илмий мактабларни тиклаш ва янгиларини ташкил этиш, мавжудларини ривожлантириш ишларини тизимли равишда олиб бориш орқали Ўзбекистон илм-фани тарихий силсиласини яратиш, буюк илмий меросни келажак авлодларга қолдириш имкони яратилади.

Замирида «Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат» ғояси сингдирилган ушбу Мурожаатномада инсон қадри яна бир бор улуғланди.

Албатта, давлатимиз раҳбари Мурожаатномасидан келиб чиққан ҳолда юртимиз олимлари, таълим соҳаси вакиллари ўз олдиларига аниқ мақсадларни белгилаб олишади ва бор куч-имкониятларини юксак марраларни эгаллашга сафарбар этишади. Зеро, Мурожаатнома мазмунида ўз ифодасини топган вазифаларни амалга ошириш, илм-фан ютуқларини юртимиз равнақига хизмат қилдириш ҳар бир юртдошимизнинг олий мақсад ва муддаосидир!

# САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ




**Тошпўлат МАТИБАЕВ,**
**халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари**

Мурожаатнома билан бевосита танишган ҳар бир инсон ундан ўзига хос таассуротга эга бўлди, ўринли хулосалар чиқара олди. Унда таълим ва тарбия мавзуси энг устувор вазифалардан бири сифатида тилга олингани қувонарли бўлди.

Бинобарин, инсон қадрига эътиборсиз ва илм-маърифат ривожисиз юрт тараққиётга эришиб бўлмаслиги айни ҳақиқатдир. Ахир илм саодатга элтувчи йўлдир. Айни пайтда таълимга киритилган инвестиция келажакка сармоядир. Бу эса халқ фаровонлиги, давлатнинг куч-қудратини таъминловчи омилдир. Мурожаатномада таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, сифатли таълим бериш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш масалалари кўрсатиб ўтилди.

Биринчи навбатда, Янги Ўзбекистон учун энг муҳим масала – таълимни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилиши таъкидланди. Ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарурлиги қайд этилди.

Келаси йилдан бошланғич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилади. Президент таъкидлаганидек, болаларимиз мактабдан она тили ва чет тилларини пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур. Фарзандларимизни касб-ҳунарларга, санъат ва маданиятга қизиқтиришимиз, ўқувчиларда эркин, танқидий ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш, мулоқот кўникмаларини шакллантиришимиз зарур. Шу боис 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш бошланади.

Қорақалпоғистон ва Хоразмда йўлга қўйилган бошланғич синф ўқувчилари учун бепул овқатланиш амалиёти келаси ўқув йилидан қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабларида ҳам жорий этилиши халқимиз кайфиятини кўтаргани аниқ.

700 дан ортиқ касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш зарурлиги тилга олинди. Шу мақсадда 2023 йилдан бошлаб янги дастур амалга оширилади. Ҳар бир вилоятда биттадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилади. Мактабгача таълимда боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Боғча қамровини кенгайтириш бўйича хусусий секторга қўшимча шароитлар яратилади. Бу билан фарзандларимиз боламикдан билим олиши, жамоатчиликка мослашиш кўникмалари аста-секин шаклланишига эришамиз. Зеро, ёшликда олган билим тошга ўйилган нақшдир.

Мурожаатномада ўқитувчилар, педагоглар меҳнати, заҳмати алоҳида тилга олинди. Уларнинг тажрибасини ошириш, эл-юрт орасида обрўсини юксалтириш, даромадларини кўпайтириш лозимлиги уқтирилди. Ҳақ гап! Давлат равнақи, халқ баркамоллигини кафолатлаш учун соҳани ислоҳ этиш, касб вакиллари мақомини кўтариш муҳим масала.

Президентимиз Мурожаатномасида долзарб вазифаларни, янги ғояларни илгари сурди. Янгича қараш, янги ғоя ва янги режаларгина давлатнинг истиқболига, Ватан равнақи ва халқимизнинг фаровонлигига дахлдор ҳаракатларни, амалий натижаларни белгилаб бериши аниқ.

Демак, аниқ режалар, шунга яраша ҳаракат ва фаолият бўлиши, истиқболли режаларни амалга ошириш борасида биз, депутатлар ҳам масъулиятни оширишимиз, дадил ва халқчил таклифларимиз билан жамият ривожига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.




# Янги йил кечаси

*Кўнгил маъюс тортди йилнинг сўнгида,*
*Билмам, ниманг билан сеҳрладинг, қор.*
*Бугун куппа-кундуз кўзим ўнгида,*
*Яна бир ёшимни ўғирладинг, қор.*
*Қирқинчи қасримга ўтайми энди,*
*Кечаги ёшлигим эртакми энди?..*

*Баҳорим етгудек қўлим узатсам,*
*Етолмай дилимни не деб юпатсам.*
*Лайлакқор, азизим, ғалат байрам бу —*
*Кулиб кузатсамми, йиғлаб кузатсам...*
*Дардим жим ичимга ютайми энди,*
*Кечаги ёшлигим эртакми энди?..*

*Сўрсанг, севинчимдан ўкинчим кўпроқ,*
*Сендан-да кумушроқ сочимдаги оқ.*
*Йилим келмай туриб, йилим кетмоқда,*
*Кўзда табассум-у киприкда титроқ.*
*Мен ҳам сал шошдим-да, қайтайми энди,*
*Кечаги ёшлигим эртакми энди?..*

*Янги йил,*
*Келавер қандай келсанг ҳам,*
*Кимлар етди сенга, кимлар етмади.*
*Сен янги йўлдошсан, сен янги ҳамдам,*
*Йўқлаб келганингни ўзи бир байрам.*
*Қулоғингга бир гап айтайми, энди,*
*Кечаги ёшлигим эртакми энди?..*

## Янги йил уйлари

**Яйра САЪДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Соғлом авлод учун” ордени соҳибаси**



# Катта хонадоннинг қувончлари кўп бўлсин

Азизларим, турмуш ташвишлари билан юрган қадрдонларим, юртпарвар, ҳақиқатгўй ҳамкасбларим! Янги йил шукуҳи Ватанимиз узра парвоз қилаётган айни чоғларда сизларни қутлаш имкониятига эга эканимдан бошим кўкка етди. Яратганга шукур, саксон саккиз ёшдаман. Ўтган умримдан минг бора розиман.

Менинг ҳаёт йўлим, ижод оламим турфа ҳодисаларга, ҳайратланарли, ибратли воқеаларга бой бўлди. Ёшлигим, юрагимнинг ўт-олов қўри мени 60-йилларда Мирзачўлни ўзлаштиришдек буюк қурилиш сари чорлади. Ҳаётни, одамларни, яхшилик ва ёмонлик, оқ ва қорани ўша ерда танидим. Ва бир умрга етгулик қувват ҳам олдим Мирзачўлдан. Катта-катта давралар, қурултойу турли тадбирлар “оёғимни ердан узмади”. Камтар ва камсуқум, чапани ва ғайратли одамлар менинг қаҳрамонларим бўлди. Шўролар тузумининг сиёсий ўйинлари, қизил шиор ва чақириқлари халқни кўп эзди. Ёстиғини қуритди. Аммо ўзбекнинг асл қони тозалигича қолди! Зеро, бунинг исботини ҳозир ҳаммамиз кўриб турибмиз. Сўнгги йилларда бўлаётган глобал ўзгаришлар бизнинг Ўзбекистон деб аталган катта хонадонда ҳам, оила деб аталган кичик хонадонда ҳам акс-садо топяпти. Юртимиз гуллаб-яшнамоқда, халқимиз бахтли ҳаёт кечирмоқда, невара, авараларим энг нуфузли таълим масканларида ўқишяпти. Чет тилларида бемалол сўзлашади.

Юртбошимиз томонидан 2023 йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилинишининг ўзи ҳам эртанги кунимизнинг бугунги мустаҳкам пойдевори бўлди. Бинобарин, 36 миллион нафардан ошган аҳолимиз учун яшаш шароитларининг сифат даражаси ошиши, ёшларнинг илм олишлари, меҳнат қилишлари учун барча имкониятлар яратилишига ҳаракат қилинаяпти.

“Тараққиётга фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади” деди Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида. Ҳалол меҳнат мени ҳам элда азиз қилди. Кўксимни қатор орден ва медаллар безаб турибди. Мени дам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан, дам Журналистлар уюшмасидан йўқлаб туришади. Эшигимиз дўсту биродарлар учун, яхшилар ва яхшиликлар учун доим очиқ!

*Янги йилнинг хайрли кунлари ҳаммангизнинг кўнглингизга ижод эпкинларини улашсин, файз ва барака, саломатлик ҳамроҳингиз бўлсин!*

# БОЛАЛАРГА МУНОСИБ ТУҲФА

**Меҳринисо ЯКУБОВА,**
**Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби**

**«Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Бор меҳримиз сенга, болажон!» шиори остида Янги йил арчаси байрам тадбири ташкил этилди.**

Бу каби тадбирлар «Адолат» СДП тарафидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинади. Мақсад бемор болаларга руҳий мадад бериш, оз бўлсада уларнинг соғайишларига кўмаклашишдан иборат.

Тадбирда сўзга чиққан партия вакиллари ҳамда шифохона ходимлари болаларни байрам билан қутлаб, уларнинг соғайиб кетиши, соғ-саломат ота-оналари бағрига қайтишини тилашди.

Байрам дастурига ташриф буюрган Қорбобо ва Қорқиз болажонларга совғалар тақдим этди. Болажонлар саҳнага чиқиб ёд олган шеърлари ва ашулаларидан намуналар айтиб беришди. Эртак қаҳрамонларининг саргузаштларидан иборат саҳна кўринишлари намойиш этилди, цирк томошалари кўрсатилди.

Байрамона кайфият ҳукм сурган тадбир сўнггида болажонларга, байрам ташкилотчиларига, шунингдек, жонкуяр шифокорларга партия томонидан ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари топширилди.



## Спорт

# Ёшларимиз билан фахрланамиз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрда қабул қилинган “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Хатирчи туманида ҳам кўплаб спорт мусобақалари, спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

**Хуршид ИСМАТОВ,**
**“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Хатирчи туман бўлинмаси раиси**

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Хатирчи туман бўлинмаси томонидан ёшлар, мактаб ўқувчилари, маҳалла фаоллари иштирокида спортнинг футбол, стол тенниси, шахмат, шашка турлари бўйича мусобақалар ташкил этилмоқда. Вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда ҳам Хатирчи тумани ёшлари ўзларини кўрсатиб, доим юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Жумладан, стол тенниси бўйича 13-16 ёшли ўсмирлар ўртасида “Маҳалла кубоги” республика турнирининг Навоий вилоят босқичида вилоятимиздаги 11 та туман (330 та маҳалла) ичида Хатирчи тумани “Чинобод” маҳалласи жамоаси (Шербек Нуриддинов ва Юлдуз Садриддинова) фахрли биринчи ўринни эгаллади ва келгуси йил январь ойида бўлиб ўтадиган республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Бундан ташқари, биз ёш спортчиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келамиз. Хатирчи туманида яшовчи Давлатбек Абдумуротов 2022 йилнинг 10-14 декабрь кунлари спортнинг “Кикбоксинг” тури бўйича Таиландда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 67 кг. вазн тоифасида биринчиликни эгаллаб, мамлакатимиз байроғини жаҳон ареналарида кўкка кўтарди. Биз бу каби спортчиларимиз, ёшларимиз билан фахрланамиз. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Хатирчи туман бўлинмаси томонидан Давлатбек ўқиган Хатирчи туманидаги 9-умумтаълим мактабида Осиё чемпиони ва ёшлар ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашув сўнггида чемпионга “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Хатирчи туман бўлинмаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалар топширилди.



Президентимиз 2022 йилнинг 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ёшларга ва спортга эътиборни кучайтириш масаласини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббусини қўллаб-қувватлаш мақсадида биз ҳам Янги — 2023 йилда Хатирчи туманининг олис “Кўксарой” маҳалласи ёшлари учун спорт майдончаси қуриб беришни режалаштирдик.

## Матбуот анжумани

# БАНК МАБЛАҒЛАРИ ҲАМ, ХИЗМАТ ТУРЛАРИ ҲАМ ОРТДИ

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”: 2022 йилда эришилган натижалар ва янги вазифалар” мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида банк Бошқаруви раҳбарияти, таркибий тузилмалар масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Тадбирда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бошқаруви раиси Алишер Муратов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, банк тизимини замонавий талаблар асосида модернизация қилишда дастуриламал бўлаётганини таъкидлади.

Ҳозирги вақтда республикамиз ҳудудларида “Қишлоқ қурилиш банк”нинг 103 та банк хизмати офислари ва банк хизмати марказлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар орқали 700 мингдан ортиқ мижозларга замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда. Банкнинг умумий капитали 2 трлн. 912 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 216 млрд. сўмга ортган. Банк депозитлари миқдори 8 трлн. 471 млрд. сўмни, жумладан, қисқа муддатли 1 трлн. 63 млрд. сўмни, узоқ муддатли 7 трлн. 408 млрд. сўмни ташкил этган. Бунда узоқ муддатли депозитлар йил бошига нисбатан 2 трлн. 94 млрд. сўмга, яъни 39,4 фоизга ошган. Банкнинг 2022 йил якуни бўйича кредит қўйилмалари 20 трлн. 220,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, йил бошига нисбатан 2 трлн. 465 млрд. сўмга ёки йил бошидаги кредит қўйилмасига нисбатан 14,1 фоизга ўсган.

*— Йил давомида давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари баёнлари ва ҳудудий дастурларга киритилган жами 6 трлн. 585 млрд. сўмлик 882 та лойиҳалардан 610 тасига 1 трлн. 850 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди ва 569 та лойиҳа ишга туширилиб, 8 минг 966 та янги иш ўринлари яратилди,* — **деди АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бошқаруви раиси Алишер Муратов**. — *Шу йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига асосан 362 та лойиҳага 261 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада 3 минг 23 та янги иш ўринлари яратилди. Президентимизнинг 2022 йил 19 апрелдаги “Ҳудудларда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 132 та лойиҳа ташаббускорларига 150 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.*

Тадбирда банкни трансформация қилиш мақсадида, халқаро консалтинг компанияси (PwC) жалб қилинган ҳолда, ривожланиш стратегияси (2020-2024) ва уни амалга ошириш йўл хариталари ишлаб чиқилгани ва банк Кенгаши томонидан тасдиқлангани маълум қилинди.

Қайд этилдики, бугунги кунга қадар банкнинг Чакана, Корпоратив, Операцион блоклари ва Риск, Ғазначилик, Молия, IT йўналишлари ҳамда ташкил этилган Лойиҳа офиси фаолиятлари халқаро экспертлар кўмагида трансформация қилинди.

Ушбу жараёнда асосан мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, мижозга йўналтирилганлик даражасини ошириш, хизмат кўрсатиш вақтини қисқартириш, мижозларнинг талабларидан келиб чиқиб, банк томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтириш ҳамда уларга яратилган шароитларни янада яхшилаш асосий мақсад қилиб олинди.

Банкнинг кредит портфелини тармоқлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, саноат соҳасига 2 трлн. 400 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига 982 млрд. сўм, қурилиш соҳасига 1 трлн. 595 млрд. сўм, савдо ва умумий хизматга – 1 трлн. 872 млрд. сўм, транспорт ва коммуникация соҳасига 425 млрд. сўм, уй-жой коммунал хизматларига 92 млрд. сўм, бошқа соҳаларга 2 трлн. 410 млрд. сўм, жисмоний шахсларга 11 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилган.

Бугунги кунда бир қатор хорижий молия институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, хорижий кредит линиялари жалб қилингани ҳолда, хорижий валютада кредитлар ажратилмоқда.

Банк томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан республикамизда озиқ-овқат захирасини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш лойиҳаларига кредитлар ажратилди, жумладан, иссиқхона хўжаликлари барпо этиш учун 6,1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 10 та лойиҳа, музлатгичли омборхоналар барпо этиш учун 7,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 11 та лойиҳа, боғдорчилик, яъни боғлар барпо этиш учун 1,7 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 6 та лойиҳа, чорвачиликни ривожлантириш учун 4,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 25 та лойиҳалар молиялаштирилди.

Бундан ташқари, экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида 106 та экспортёр корхоналарга 110 млн. АҚШ доллари, жумладан, Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 35 та экспортёр корхонага 13,9 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилган бўлиб, жорий йилда ушбу корхоналар томонидан 153 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт тушуми амалга оширилди.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ҳудудларда кўп қаватли уй-жойларнинг қурилишида иштирок этаётган пудрат корхоналарини молиялаштиришда бевосита иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2022 йил 1 январь ҳолатида 462 та пудратчига 1 трлн. 157 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, кредит портфелидаги улуш 10,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг ўтган даврида 6 547 та хонадондан иборат бўлган 172 та кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш учун банк томонидан пудратчиларга 619 млрд. 300 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

2022 йил 1 декабрь ҳолатида жами 634 та кўп қаватли уй-жойларнинг (23 152 та хонадондан иборат) қурилиш ишларини молиялаштириш учун банк томонидан пудратчиларга 1 трлн. 776 млрд. 300 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, кредит портфелидаги улуш 12,6 фоизни ташкил этди.

Матбуот анжумани якунида оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**Суюндик МАМИРОВ,**
**“Adolat” мухбири**

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис: «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
Котибият — 71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Масъул котиб — Абдуғани Мамасодиқов
Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

info@adolatgzt.uz
adolatgz-95@mail.ru

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1200

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Адади – 1296
Топширилиш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.00
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.